

38-Т - сонли ШАРТНОМА

Ахборот тизимини уни яратиш бўйича техник топшириқ талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш тўғрисида

Тошкент ш.

«26» 01 2022й.

Кейинчалик “Ижрочи” деб аталадиган “Киберхавфсизлик маркази” ДУК номидан Устав асосида иш кўрувчи директор Дмитрий Евгеньевич Чиченков бир томондан, кейинчалик “Буюртмачи” деб аталадиган “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси номидан устав асосида иш кўрувчи директор Мухитдинов Азиз Хасимович иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталадиган, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани (кейинчалик – Шартнома) тузишди.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ижрочи “Электрон хукумат” фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимининг “Биометрик маълумотларга асосан фойдаланувчиларни верификациялаш модули”ни уни яратиш бўйича техник топшириқ талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш хизматини кўрсатади (бундан кейин - Экспертиза).

Буюртмачи кўрсатилган хизматларни қабул қилади ва шартнома бўйича ҳақ тўлайди.

1.2. Экспертиза предмети:

- ахборот тизимини техник топшириқ талабларига мувофиқлигини текшириш;
- а) ахборот тизими олдида қўйилган мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини текшириш;
- б) тизим компонентлари ва қуйи тизимлари томонидан функция ва вазифаларни сифатли амалга оширилишини текшириш;
- в) ахборот тизимининг эксплуатация шартлари унинг ишончлилиги, эргономикаси, ахборот тизими фойдаланувчилар билан ўзаро алоқаси қулайлиги талабларига мувофиқлигини текшириш;
- д) ахборот тизими функциялари бажарилиши миқдорий ва сифат хусусиятларига мувофиқлигини текшириш;
- е) ахборот тизимида қайта ишланадиган маълумотларни рухсатсиз таъсирлардан ва авария ҳолатларида ҳимоялаш талабларига риоя этилишини текшириш;
- ф) ахборот тизимини техник топшириқ талабларига мос келиши лозим бўлган бошқа хусусиятларини экспертизадан ўтказиш;
- г) якуний экспертизани ўтказиш;
- ҳ) экспертиза натижалари бўйича эксперт хулосасини тайёрлаш.

1.3. Шартноманинг 1.2. – банди шартлари бўйича ахборот тизимининг ҳақиқий ҳолатини техник топшириқ талабларига мувофиқлиги даражасини белгиловчи ва “Ижрочи” томонидан ўрнатилган тартибда тақдим этиладиган эксперт хулосаси экспертиза натижаси ҳисобланади. Эксперт хулосасининг бир нусхаси Буюртмачига қўл билан ёки Давлат фельдгерлик хизмати каналлари орқали хат билан тақдим этилади.

1.4. Ушбу Шартномада ҳисобга олинмаган қўшимча иш ҳажмлари вужудга келган тақдирда, Томонлар ўртасида Шартномага тегишли қўшимча келишув тузилади.

1.5. Экспертиза натижалари бўйича эксперт хулосасини Буюртмачига юбориш (етказиб бериш) санаси хизмат кўрсатиш якунланган сана деб ҳисобланади.


1.6. Экспертиза Ижрочи томонидан кўрсатилган жойда амалга оширилади. Агар Ижрочининг мутахассисларига Тошкент шаҳри ичида жойлашган бошқа объектларга чиқиш зарурати туғилса, Ижрочи харажатларни ўз зиммасига олади.

1.7. Ушбу шартномани амалга ошириш билан боғлиқ ва Томонлар томонидан Буюртмачининг харажатлари сифатида келишилмаган барча харажатларни Ижрочи ўз маблағлари ҳисобидан қоплайди.

### 2. ХИЗМАТЛАР ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартноманинг нархи 15% ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир мутахассис учун соатига 197 690 (бир юз етти минг олти юз тўқсон) сўм ҳисобидан келиб чиқиб белгиланади.

Экспертиза бўйича меҳнат сарфининг дастлабки ҳажми 87 иш соатни ташкил этади, шартноманинг дастлабки нархи – ушбу шартноманинг иловасига мувофиқ, 15% ҚҚСни ҳисобга





олган ҳолда **17 199 030** (ўн етти миллион бир юз тўқсон тўққиз минг ўттиз) сўмни ташкил этади.

2.2. Ҳисоб-китоблар Ижрочининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов топшириқномалари асосида пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

2.3 Ушбу Шартнома рўйхатдан ўтган кундан бошлаб **10 (ўн)** банк куни ичида Буюртмачи Ижрочининг ҳисоб рақамига Шартнома тахминий суммасининг **30 фоизи** миқдорида олдиндан тўлов ўтказиши, бу **5 159 709 (беш миллион бир юз эллик тўққиз минг етти юз тўққиз)** сўмни ташкил этади.

2.4. Иш якуни натижалари бўйича Ижрочи кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси (бундан кейин - Далолатнома) билан бирга техник топшириқ бўйича таклиф ва эътирозлар мавжудлиги/йўқлиги тўғрисида хатни/хулосани Буюртмачига тақдим этади.

2.5. Буюртмачи агар эътирозлари мавжуд бўлмаса Ижрочи томонидан тақдим этилган Далолатномани имзолайди. Далолатнома имзоланган тақдирда, Ижрочи Далолатнома имзолангандан кейин **5 (беш) банк куни** ичида Буюртмачига белгиланган шаклдаги ҳисоб-фактурани тақдим этиши лозим. Бундай ҳолда, аванс суммаси хизматларни тақдим этиш учун якуний тўловни ҳисоблашда ҳисобга киритилиши керак.

2.6. Иш умумий қийматининг **70 фоизи** миқдоридаги якуний тўлов ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда **12 039 321 (ўн икки миллион ўттиз тўққиз минг уч юз йигирма бир)** сўмни ташкил этади ва Буюртмачига ҳисоб-фактура тақдим этилган кундан бошлаб **5 (беш) банк куни** мобайнида тўланиши лозим.

2.7. Буюртмачи агар унда эътирозлар мавжуд бўлмаган тақдирда 3 кун муддатда Ижрочи томонидан тақдим этилган Далолатномани имзолайди, эътирозлар бўлган тақдирда эса мазкур эътирозларни расмий хат орқали кўрсатилган муддатда бартараф этиш учун Ижрочига тақдим этади.

### **3. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ**

3.1. Буюртмачи қуйидагиларни амалга оширишга мажбурдир:

– Ижрочидан бажарилган ишларни тўлиқ ва ушбу шартномага мувофиқ қабул қилиш, шунингдек ушбу шартноманинг 2-бўлими талабларига мувофиқ хизмат ҳаққини тўлаш;

– экспертлар гуруҳи билан ҳамроҳлик қиладиган масъул шахсларни белгилаш ва экспертиза билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда ташкилий масалаларни тезкор ҳал қилишга кўмаклашиш;

– Буюртмачининг биносида Ижрочининг компьютер ускуналари (ноутбуклар) ва бошқа жиҳозларидан фойдаланишлари учун керакли рухсатномаларни расмийлаштириш;

– компьютер ускуналарига тўсиқсиз киришни таъминлаш ва экспертизани тўсиқсиз ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш, ускуналар учун масъул ходим йўқлиги, биноларга кириш қалитлари йўқлиги ёки бошқа сабаблар туфайли экспертиза жараёнининг тўхтатилишига йўл қўймаслик, зарур ишларнинг давомийлигига тўсиқлик қиладиган ҳолатлар ва омилларни бартараф этиш.

3.2. Буюртмачи экспертиза учун дастлабки маълумот сифатида Ижрочига берилган маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

### **4. ИЖРОЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ**

4.1. Ижрочи экспертиза ишларини шартнома тузилган вақтдаги объектнинг ҳолати тўғрисида дастлабки маълумотларга мувофиқ амалга оширишни, эксперт хулосасини тузишни ва буюртмачига тақдим этишни ўз зиммасига олади.

4.2. Ижрочи Буюртмачига эксперт хулосасини қоғозда ва/ёки электрон шаклда (оптик воситаларда, CD/DVD/FlashUSB да буюртмачининг талабига мувофиқ) тақдим этиши шарт.

4.3. Қўшимча иш ҳажмлари пайдо бўлган тақдирда мазкур шартномага қўшимча келишув тузиш учун Ижрочи Буюртмачи билан олдиндан келишиши лозим.

4.4. Ижрочи хизматларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрсатилиши учун жавобгардир.

### **5. ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

5.1. Шартнома доирасида экспертиза ўтказиш бўйича вазифаларни амалга ошириш мақсадида, мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) кун муддатда Томонлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаш учун Томонлар биттадан ваколатли шахсни ажратадилар.

5.2. Томонлар бир-бирларига ваколатли шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг алоқа маълумотлари ва телефон рақамини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар юборишади.





5.3. Ушбу шартнома бўйича хизматлар тўғридан-тўғри Ижрочининг иш жойида амалга оширилади. Буюртмачи Ижрочига ахборот тизимининг клонланган нусхасига масофадан уланиш имкониятини ва керакли рухсатларни (администратор, фойдаланувчи ва бошқалар, шунингдек супер администратор имкониятлари билан) тақдим этади. Зарурат туғилган тақдирда, Ижрочи Буюртмачининг Тошкент шаҳридаги объектларига ташриф буюриши мумкин.

5.4. Мазкур шартноманинг 2.3 ва 5.3 бандларида кўрсатилган шартлар бажарилган вақтдан бошлаб 2 (икки) кун муддатда, шартноманинг 1.2 бандида кўзда тутилган вазифалар Ижрочи томонидан амалга оширилиши бошланади.

5.5. Томонлар электрон бухгалтерия ҳисобини қўллаш ва электрон почта орқали бир-бирига расмий ҳужжатларни юбориш ҳуқуқига эга. Ушбу шартномада кўрсатилган электрон почта манзили Томонларнинг расмий электрон манзилидир:

Буюртмачининг электрон почта манзили – info@egov.uz;

Ижрочининг электрон почта манзили – info@csec.uz.

5.6. Томонлар ҳар куни электрон почталарини текширишни ва бир-бирларидан келиб тушган сўров ва маълумотларга зудлик билан жавоб беришни ўз зиммаларига оладилар.

5.7. Экспертиза муддати экспертиза объектининг ахборот ва технологик инфратузилмасининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади, лекин иш бошланган кундан сўнг **2 (икки) ойдан ошмаслиги керак.**

5.8. Ижрочининг ёки унинг вакилларининг (мутахассисларнинг) илтимосига биноан Буюртмачи зарур ҳужжатларни қоғоз шаклида тақдим этади.

5.9. Экспертлар томонидан амалга оширилган хизматларнинг натижалари эксперт гуруҳининг ҳар бир аъзоси томонидан эксперт хулосасининг сўнгги саҳифасида виза қўйиш йўли билан расмийлаштирилади (тасдиқланади). Экспертиза натижалари бўйича эксперт хулосаси Ижрочи томонидан тасдиқланади ва Буюртмачига тақдим этилади.

5.10. Экспертиза хулосаси Буюртмачининг мулки ҳисобланади. Эксперт гуруҳи аъзолари ва эксперт хулосасининг барча олувчилари унинг мазмуни махфийлигини таъминлаши шарт, Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Мажбуриятларни бузганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва ушбу шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

6.2. Хизмат кўрсатиш муддатларини бузганлиги учун Буюртмачи Ижрочидан ҳар бир кун учун кечиктириб кўрсатилган хизмат нархининг 0,5 % (фоизи) миқдориди пеня тўлашни талаб қилишга ҳақлидир, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Хизмат учун тўлов шартларини бузганлиги учун Ижрочи Буюртмачидан кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % (фоизи) миқдориди пеня тўлашни талаб қилишга ҳақли, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

6.4. Форс-мажор ҳолатлари туфайли Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришнинг имконсизлиги юзага келган томон **5 (беш) иш куни** ичида бошқа томонга бундай ҳолатлар юзага келиши ва тугаши тўғрисида ёзма равишда хабар бериши керак.

6.5. Шартнома ва унга қўшимча битим (келишув)ларнинг шартлари ва Шартномага мувофиқ Томонлар тарафидан олинган бошқа маълумотлар махфийдир ва ошкор этилиши мумкин эмас.


6.6. Шартноманинг амал қилиши Буюртмачининг ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда, бажарилган ишлар учун тўлов Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳақиқий харажатлари бўйича шартнома бекор қилинган кундан бошлаб **5 (беш) иш куни** ичида амалга оширилади.

6.7. Шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча жавобгарлик турлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

## **7. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

7.1. Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва иккала томон тарафидан имзоланган бўлса юридик кучга эга бўлади ва Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ томонларнинг келишуви ёки бир томонлама тартибда Шартнома шартларининг Ижрочи томонидан бузилиши натижасида иш сифати пасайган ҳолатда бўлиши мумкин.





7.3. Шартнома Буюртмачи томонидан муддатидан олдин бекор қилинса, Буюртмачи томонидан Шартнома бўйича қабул қилинган ишларнинг бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажмига мос қиймати тўланади.

7.4. Шартноманинг бекор қилинган санаси деб, Ижрочининг Шартнома бекор қилинганлиги тўғрисидаги хабарни олган санаси ҳисобланади.

## 8. ФОРС МАЖОР

8.1. Томонлар Шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади, агар мажбуриятларни бажармаслик енгиб бўлмас куч ҳаракатлари яъни зилзилалар, иш ташлашлар, жанглар ёки Томонларга боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар (форс-мажор) оқибатида юзага келган бўлса.

8.2. Ҳар қандай бундай ҳолатлардан бири Шартномада белгиланган муддатларда мажбуриятларнинг бажарилмаслигига бевосита олиб келган бўлса, унда ушбу муддатлар тегишли ҳолатлар давомийлигига мутаносиб равишда узайтирилади.

8.3. Агар ушбу ҳолатлар **2 (икки) календарь ойдан** кўпроқ давом этса, унда Томонларнинг ҳар бири Шартномани бажариш имконияти йўқлиги муносабати билан уни бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли. Томонлар Шартномани кўрсатилган асосларга кўра бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, Томонларнинг ҳеч бири бундан келиб чиқиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш ҳуқуқига эга бўлмайди.

8.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган Томон ўз вақтида, лекин, енгиб бўлмас ҳолатлар юзага келганидан кейин **10 (ўн) кундан** кечиктирмай, ваколатли органлар томонидан берилган асословчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилиши керак.

8.5. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тўғрисида хабардор қилмаслик ёки ўз вақтида хабар бермаслик Томонни мажбуриятни бажармаслик учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатида юқорида кўрсатилган ҳолатлардан бирини важ қилиб кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

## 9. МАХФИЙЛИК

9.1. Томонлар, махфий маълумотларни ошкор қилмаслик ва улардан Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан бошқа мақсадларда фойдаланмаслик мажбуриятини оладилар.

Томонлардан ҳар қайси бири махфий маълумотларни олувчи ва топширувчи томон сифатида иштирок этиши мумкин.

9.2. Шартноманинг барча шартлари учинчи шахслар учун махфий маълумотлар ҳисобланиб, томонларнинг ўзаро розилигисиз ошкор этилиши мумкин эмас.

Томонлар, шунингдек, Шартномани бажариш пайтида бир-бирлари ҳақида ўзларига маълум бўладиган ҳар қандай ахборот ва маълумотларни ошкор қилмаслик ва бошқаларга бермаслик (фойдаланишга имконият яратмаслик) мажбуриятини оладилар.

9.3. Махфий маълумотларни қабул қилувчи Томон топширувчи Томондан олинган махфий маълумотларни сақлаш мажбуриятини олмайди ва маълумотлар конфиденциал ҳисобланмайди, агар:

- маълумотларнинг ошкор қилиш санасида, қабул қилувчи томоннинг айбисиз жамоатчилик ушбу маълумотлардан хабар топган бўлса;


- махфий маълумотлар Томонлар қонунчилигига биноан ёки судларнинг ёхуд бошқа ваколатли давлат органларининг қарорига биноан ошкор этилиши лозим бўлса (шарти шуки, агар ушбу маълумотни узатилишидан олдин қабул қилувчи томон топширувчи томонни ёзма равишда хабардор қилиш бўйича барча саъй-ҳаракатларни амалга оширса);

- маълумотлар, уларни ошкор қилиш пайтида, уларни тарқатиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсдан олинган бўлса.

9.4. Махфий маълумотлар ваколатли давлат органларига уларнинг сўровига биноан, бошқа Томонни бу ҳақда дарҳол хабардор қилиш шarti билан тақдим этилиши мумкин, бу уни ошкор қилганлик учун жавобгарликни келтириб чиқармайди.

9.5. Қабул қилувчи томонга топширилган, махфий маълумотларни ўз ичига олган барча ҳужжатлар (ахборотни ташувчи туридан катъий назар), шу жумладан нусхалари, улардан фойдаланиш тугагандан сўнг ёки топширувчи Томоннинг тегишли сўровига биноан дарҳол (беш кундан кечиктирмасдан) топширувчи томонга қайтарилиши керак.

9.6. Томонларнинг махфий маълумотларни ҳимоя қилиши, уларнинг махфийлиги йўқолгунига қадар амалга оширилади.





## 10. МУНОЗАРАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

10.1. Шартномадан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш бўйича талабнома юбориш тартиби Томонлар учун мажбурийдир.

10.2. Талабномалар томонлар тарафидан қоғоз шаклида ёки буюртма почта жўнатмаси билан Томонлар жойлашган жойи бўйича тақдим этилгани тўғрисида хабардор қилиш орқали юборилади.

10.3. Талабномани кўриб чиқиш муддати, у олинган кундан бошлаб **15 (ўн беш) календарь куни** ҳисобланади.

10.4. Томонлар зудлик билан тўланиши лозим бўлган ҳал этилмаган барча даъволар бўйича бир-бирларини ёзма равишда дарҳол хабардор қилишлари шарт.

10.5. Томонларнинг Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги муносабати билан юзага келадиган ҳал қилинмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ суд тартибида ҳал қилинади.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЎШИМЧА ШАРТЛАРИ

11.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

11.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

11.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинисига йўл қуйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар куради.

11.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:


а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинорий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

11.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

– коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб булмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;





– улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

– уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

– уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

11.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик утказилмаслигини кафолатлайдилар.

11.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 11.4 ва 11.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тухтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беринчи талаб қилишга ҳақли.

## 12. БОШҚА ШАРТЛАР

12.1. Ушбу Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икки томондан имзоланган бўлса, қонуний кучга эга ва Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

12.2. Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмидир.

12.3. Томонлардан бирининг юридик манзили, реквизитлари ўзгарганда томонлар **3 (уч) календарь куни** ичида тегишли ўзгаришлар тўғрисида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини оладилар.

12.4. Хужжатларни тақдим этишда уларни қабул қилиш вақти қуйидагича белгиланади:

– хужжатлар почта алоқаси ташкилоти орқали юборилганда - қабул қилинганлиги тўғрисидаги почта хабарномасига мувофиқ қабул қилинган сана;

– бевосита топширилганда - ваколатли вакилнинг хужжатларни қабул қилиб олгани тўғрисидаги тилхатининг санаси.

12.5. Шартнома икки нусхада, ҳар бир томон учун биттадан ўзбек тилида тузилди.

12.6. Шартномада кўзда тутилганидан ташқари барча масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

## 13. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

13.1. Шартнома, Томонлар тарафидан имзолангандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиладди.

## 14. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ИЖРОЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

«Киберхавфсизлик маркази» ДУК  
Юридик манзил.: Тошкент ш., Мирзо  
Улуғбек т., Дўрмон йўли кўчаси, 31 уй  
Амалдаги манзил.: Тошкент ш., Қирк-қиз  
кўчаси, 10а уй  
х/р: 2021 0000 4009 5333 9007  
«АлоқаБанк» АТ  
МФО: 00 401 СТИР: 305 907 639  
ОКЭД: 84 112



Д.Е. Чиченков


«    » 2022й.

«Электрон ҳукумат лойиҳаларини  
бўшқариш маркази» давлат муассасаси  
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 24 уй  
Х/р: 2021 0000 9052 5070 7001  
АТ «Алоқабанк» Амалиёт бошқармаси  
МФО: 00401 СТИР: 207 322 159 ОКЭД: 84112



А.Х. Мухомедов

«    » 2022й.



**Хизмат кўрсатишнинг тасдиқланган  
тарифига асосан нархларни ҳисоблаш**

Биз, қуйида имзо чекувчилар, “Буюртмачи” номидан директор А.Х. Мухитдинов, ва “Ижрочи” номидан директор Д.Е. Чиченков хизматни кўрсатиш учун шартноманинг дастлабки нархи тўғрисида қуйидаги келишувга эришилганлигини тасдиқлаймиз.

Ишларнинг таркиби	Меҳнат сарфи		
	Мутахассислар сони	Соатлар миқдори	Умумий киши/соат миқдори
1	2	3	4
<b>“Электрон ҳукумат” фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимининг “Биометрик маълумотларга асосан фойдаланувчиларни верификациялаш модули”</b>			
1. Техник топшириқни ўрганиш	2	3	9
2. Ахборот тизимини дастлабки ўрганиш	2	4	12
3. Ахборот тизими таркибини ўрганиш	2	4	12
4. Ахборот инфратузилмасини аниқлаш	2	4	12
5. Сўровларни дастлабки қайта ишлаш жараёнини ўрганиш ва экспертизадан ўтказиш	2	6	18
6. Жисмоний шахслар маълумотлар базасидан фотосуръатларни эталон тарзда қабул қилиш жараёнини ўрганиш ва экспертизадан ўтказиш	2	10	30
7. Эталон тарзда тақдим этилган фотосуръатларни таққослаш жараёнини ўрганиш ва экспертизадан ўтказиш	2	4	12
8. Олинган натижаларни қайта ишлаш жараёнини ўрганиш ва экспертизадан ўтказиш	2	4	12
9. Аввал қайта ишланган сўровларни турли кесимларда анализдан ўтказиш жараёнини ўрганиш ва экспертизадан ўтказиш	2	4	12
10. Ташқи тизимлар билан ўзаро алоқа (интеграция)ни ўрганиш ва экспертизадан ўтказиш	2	10	30
11. Экспертиза бўйича якуний ишлар	2	8	24
12. Экспертиза натижалари бўйича эксперт хулосасини тайёрлаш	1	3	9
<b>Жами, киши/соат</b>	<b>87</b>		

“Электрон ҳукумат” фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимининг  
“Биометрик маълумотларга асосан фойдаланувчиларни верификациялаш модули”ни  
техник топширик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш учун бир  
мутахассиснинг тариф бўйича меҳнат сарфининг қиймати соатига 197,690 (бир юз тўқсон етти  
минг олти юз тўқсон) сўм, экспертизадан ўтказишнинг умумий вақти 87 киши-соат, шартнома

2022. «26» январь



суммаси, 15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 17 199 030 (ўн етти миллион бир юз тўқсон тўққиз минг ўттиз) сўм.

Ушбу ҳужжат шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, “Буюртмачи” ва “Ижрочи” ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос бўлиб хизмат қилади.

**«ИЖРОЧИ»:**

«Киберхавфсизлик маркази» ДУК



Д.Е. Чиченков


«        » \_\_\_\_\_ 2022 й.

**«БУЮРТМАЧИ»:**



А.Х. Муҳитдинов

«        » \_\_\_\_\_ 2022 й.



\_\_\_\_\_